



**ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ
ШАКЛАНТИРИШДА УМУМИНСОНИЙ
ҚАДРИЯТЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

¹Камолова Широной Усаровна

ЖДПУ катта ўқитувчиси,

²Қобилова Насиба

Стажёр ўқитувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7339080>

ARTICLE INFO

Received: 08th November 2022

Accepted: 15th November 2022

Online: 19th November 2022

KEY WORDS

Шахс, жараён, миллий
қадриятлар, умуминсоний
қадриятлар
дунёқараш, тарбия жараёни,
фикр, ғоя, қараш,
мафкура, фан, технология,
мардлик; - ботирлик; -
пахлавонлик; -
меҳнатсеварлик, дўстлик.

Ўзбекистон Республикаси бугунги куни истиқболини белгилаш ва таъминлаш, кўп жиҳатдан ҳозирги ёш авлодни маънавий етук ва жисмоний баркамол интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялашга боғлиқлиги таъкидланган. Демак, онгли инсон пайдо бўлибдики, фикр, ғоя, қараш, мафкура, таълимотлар шаклланиб, улар асосида илм, фан, техника, технология, таълим, тарбия тадрижий (эволюцион) тарзда ривожланиб келмоқда ва такомиллашиб бораверади. Инсондаги ақл, онгнинг ривожланиб бориши натижасида табиат ва жамиятдаги ҳодиса ва жараёнлар кечишини ўрганишга, уларни имкон бўлганда бошқаришга бўлган қизиқиш, интилиш ҳамма вақт ҳам долзарб

ABSTRACT

Ушбу мақола бугунгикуннинг долзарб мавзуларидан бўлиб, талабалар илмий дунёқарашини бойитишнинг мазмун моҳияти масалаларига қаратилган. Талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда миллий қадриятларнинг ўрни, инсон камолот босқичларимасалаларига боғлаб ёритилган.

муаммо бўлиб келган. Энг асосийси булар масофа ҳам, ирқ ҳам, миллат ҳам танламайди.

Шахс интеллектуал қобилиятининг жамият тараққиётига мос ривожда ўтмишдонишмандларимизишлари ўрганилганда ҳақиқатдан ҳам интеллектуал салоҳият ва унга мос таълим-тарбия эволюцион тарзда юксалиб келаётганлиги ҳақидаги билим ва тасаввурларга эга бўламиз.

Бизга маълумки, тарбия масаласи билан улуғ бобокалонларимиз доимо шуғулланиб келган. Улар Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий, Имом ал-Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб ва ҳоказолар. Бу борада Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри», «Фазилат, бахт ва камолат ҳақида» ва шу каби асарлари



бугунги ёшларимиз тарбиясида ҳам ниҳоятда ибратлидир.

Қайд этилган асарларнинг асосий мазмунини тарбия воситалари, шакллари ва шу кабилар ташкил этади.

Тарбия ўзи нима, деган саволга Фаробийдан қуйидагича кетма-кетликдаги жавобни топиш мумкин:

- «Камолот» - буюратган Аллоҳнинг борлигини онгли равишда сезиш ва ундан воқиф бўлиш»;

- «Камолатга элтувчи йўл – гўзал фазилатли ва хайрли (яхши) ишларни ички хоҳиш ва истак билан такрорлаш, уларга мунтазам амал қилиш»;

- «Бахт – ахлоқий фазилатларни ўзлаштириш иш натижаси»;

- «Бахт белгиси – руҳнинг лаззат олиши ва яратганни севиш»;

- «Камолат натижаси – абадийликка эга бўлиш». [2.224].

Турли ёш ва ҳар хил жинсдаги бола ривожланиши, дунёқараши ахлоқий ва исмоний камол топишига ижобий таъсир қиладиган омил ҳамда шарт-шароитларини билиш ва улардан унумли фойдаланиш шахс камолотида муҳим асос бўлиб ҳисобланади. Тарбиятизимда, ишлаб чиқаришда билимсизлик, саводсизликни йўқотиш учун болалар руҳиятидан қариялар маънавиятигача назарий ва амалий билимларни эгаллаш давримиз талабидир.

Азизиддин Насафий (XIII аср) қарашларида «Эй фарзанд, ҳеч бир мукофот талаб қилмай, миннатдорчиликлар кутмай, аксинча ўзингни бурчли деб билиб, яхшилик яратиб, ҳамма вақт, ҳамма учун эзгулик ижод қилганингдагина сен Оллоҳи таоланинг хулқи билан безанажаксан!» [3.23].

Демак, буюк боболаримизнинг ўлмас мероси бугунги ёшларнинг маънавий тарбиясида ва айниқса уларнинг миллий дунёқараши кенгайишида битмас-туганмас хазинадир. Уларни ибрат-намуна қилиб кўрсатиш орқали ёшлар онгида қуйидаги инсонпарварлик фазилатлари янада юксалади: - мардлик; - ботирлик; - паҳлавонлик; - меҳнатсеварлик; - катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлишлик; - дўстлик ва муҳаббат туйғуларига садоқатли бўлишлик ва шу кабилар.

Демак, инсон камолоти ва унинг юксалишида ёшларимиз маънавий тарбияси ва илмий дунёқараши кенглиги, ибрат-намуна муҳим роль ўйнаётган экан. Шу сабабли ҳам бугунги ёшларимиз дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришда улар онгига миллат, Она тупроқ, Она Ватан, халқ ва унинг тарихий илдизлари асосидаги бой миллий-маънавий меросимиз ҳақидаги маълумотларни таълим-тарбиянинг барча жабҳаларида синдириб боришимиз лозим.

Демак, миллий хусусиятларимизга мос тарбияни олган ва олаётган ёшларимиз мунтазам равишда камол топиб бораверади ҳамда уларнинг дунёқараши ҳам унга мос равишда юксалиб боради.

Шу сабабли ҳам ушбу ишда ёшларимизни тарбиялашда ва уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда шахс ижодий камолоти босқичлари ҳамда улардан таълим-тарбия жараёнида ибрат-намуна сифатида фойдаланишга тавсиялар бериш ҳақидаги маълумотларни ёритишни мақсад қилиб олдик.



Демак, шахс тарбияси жараёни ижтимоий муаммо бўлиб, уни ечими эса ҳар бир инсон ўша жамиятнинг тўлақонли фаол аъзоси бўлишлиги билан белгиланади.

Маълумки, жисмоний камолот ҳар доим ҳам инсон маънавий камолати ва интеллектуал салоҳиятини, яъни инсон дунёқарашини даражасини тўғри белгилаб олиш имконини беравермайди. Қуйидаги кетма-кетлик эса инсон камолатини жисмоний ва маърифий даражалар асосидаги босқичларини белгилайди: чақалоқ; гўдак; ўқувчи; ўқувчи-шахс; талаба; талаба-шахс; мутахассис; юқори малакали мутахассис.

Аmmo бу кетма-кетлик орқали тўла маънодаги шахс камолатини унинг дунёқараши кенглиги нуқтаи назаридан баҳолаб бўлмайди.

Аввало дунёқараш нима?

«Дунёқараш – тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввурлар ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни маълум қолипдан ўз шахсий қиёфасига эга тарзда табиатда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди» [4.40].

Демак юқорида қайд этилганидек, онгнинг мавжудлигидан фикр ва уларни ифодаловчи маълумотлар

шаклланиб, онг тафаккурнинг шаклланишида мустаҳкам асос бўлиб ҳисобланади.

Дунёқараш шаклланишининг яна бир хусусияти шундан иборатки, хусусий кўринишлардан умумий кўринишларга, яъни индивидуал хусусиятлардан ижтимоий хусусиятларгача ривожланиб, такомиллашиб бораверади ва шунинг билан бирга у ижтимоий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ. Дунёқараш кишиларнинг ёши, ҳаёт тажрибаси, интеллектуал салоҳияти, мафкураси ва шу қабилар билан боғлиқ равишда ривожланиб такомиллашиб боради. Дунёқараш инсоннинг ўзини ва дунёни зарурий равишда англаши ҳамда баҳолаши асосида шаклланади. Бу борада ҳозирги ёшларимиз онгини ўстириш ва тафаккурини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Булар орқали уларни интеллектуал салоҳиятли сиёсий онгли қилиб тарбиялаш имконияти яратилади. Бу эса эркин ва мустақил фикрлайдиган, ўзлигини англай ладиган, яъни ҳар хил зарарли оқимларга қўшилиб кетавермайдиган бўлажак мутахассисларни тайёрлашда мустаҳкам асос бўлади.




1.1.1.- шакл. Шахс дунёқараши шаклланиш омиллари ва уларнинг ўзаро муносабатлари.

Шахснинг дунёқараши, айниқса, илмий дунёқарашнинг кенглиги уларнинг асосий таркибий қисмлари: ақл, онг, фикр, илм, билим, илмий билим, илмий қараш, эътиқод, илмий тафаккур ва шу кабиларга боғлиқ.

Бу жараёнда индивидуал дунёқарашнинг кенгайиб бориши ижтимоий дунёқарашни юксалтиришга асос бўлади ва улар доимо бир-бири билан мунтазам алоқадорликда бўлади ва бир-бирини ривожлантиради. Бу жараён шахс камолати босқичи кетма-кетлигида яққол сезилади. Демак, энди

шахс дунёқараши ҳақида ва уларнинг ташкил этувчилари, асослари ва шаклланиш босқичлари ҳақида маълум бир тушунчага эга бўлдик ва уни қуйидаги 1.1.2.- шаклдагидек ифодалашни лозим топдик.

Бу борада олиб борилган кўп йиллик илмий изланишларимиз кўрсатишича, талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришда уларга шахс ижодий камолоти кетма-кетлиги ҳақида маълумот бериш ижобий педагогик – психологик самараларни берар экан.



1.1.2.-шакл. Яхлит дунёқарашнинг ташкилий - тузулмавий кўриниши.



Бу кетма-кетлик одам шахс даражасига эришгандан кейинги интеллектуал салоҳиятга эга бўлгандан бошлаб баҳоланса, талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришни тўғри йўлга қўйиш имконияти туғилади ва улардан таълим-тарбия жараёнида асосли равишда фойдаланишга эришилади.

Шу сабабли ҳам талабалар илмий дунёқарашини кенгайтириш ва уларнинг маънавиятини юксалтиришни самарали амалга ошириш учун шахс интеллектуал камолотини қуйидаги кетма-кетликда ифодалашни лозим топдик: ақлли одам; онгли одам; фикрли киши; илмли-билимли киши; ғояли инсон; маърифатли ва маънавиятли шахс; маданиятли ва баркамол шахс; олим; аллома; мутафаккир; донишманд ва комил инсон.

Юқорида қайд этилган кетма-кетликдаги инсон камолоти босқичлари баъзи ҳолларда параллел (баб-баровар) равишда шаклланса, баъзи ҳолларда бири иккинчисисиз ривожланмайди.

Демак, дунёқараш инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида ривожланиб борган ва улар тараққиёт жараёни давомида турли кўринишларни олган. Албатта улар кўринишлари ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳам турли йўналишларда бўлади. Шу сабабли ҳам улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш, уларнинг мос кўринишларини танлаш ҳам ўзига хос ижодий жараён дир.

Илмий изланишларимиз натижаларига кўра дунёқарашнинг юқорида қайд этилган кўринишлари, инсон камолоти

босқичлари ва уларга мос бўлажак ўқитувчилар илмий дунёқарашини бойитишда, ҳамда давлат таълим стандартларини давр талабига мос такомиллаштиришда мустақкам маънавий-маърифий асос бўлади. Шунингдек, инсон камолоти босқичлари ва уларга мос дунёқарашлардан бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашдаги таълим-тарбия жараёнида мунтазам фойдаланиб борилиши натижасида маънавий етук, эркин ва мустақил фикрлайдиган, «XXI аср – интеллектуал аср»нинг фаол иштирокчиси бўлган мутахассис тайёрлашга эришилади. Шу сабабли ҳам талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришда турли фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин. Айниқса, «Умумий педагогика» фани ўтилиб унинг назарияси қисмидан кенг фойдаланилса ижобий натижа беради. Педагогика назарияси 4 бобдан иборат бўлиб 1. асосий қисми, 2. тарбия назарияси, 3. таълим назарияси ва 4. бошқарув тизими каби бўлимлардага бу тушунчалар асосида бўлажак бошлангич синфи ўқитувчиларининг илмий дунёқарашини бойитишда ва шахс ижодий камолоти босқичларининг мазмун-моҳиятидан фойдаланишда сезиларли педагогик самараларни беради. Натижада ақлий тарбия ва илмий дунёқарашнинг асосий белгилари (омиллари, ташкил этувчилари) ва моҳияти талабалар онгидан янада мустақкам ўрин олади. Бу борада талабалар илмий дунёқарашининг асосий таркиблари ва фарқларигача таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлди.



References:

1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» // Олий таълим (меъёрий ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами). – Тошкент: 2004. – 12 б.
2. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 2002. – 134 б.
3. Ёқубов А. Сихат-саломатликйили: мазмунва моҳият. – Тошкент: 2005. – 23 б.
4. Фалсафа: қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 476 б.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002. – 3. ж. – 704 б.
6. Педагогические взгляды Абу Али ибн Сины (Авиценны) / Ш. У. Камалова, Р. У. Мунарова, Н. А. Ахмедова [и др.]. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2015. — № 9 (89). — С. 1068-1070. — URL: <https://moluch.ru/archive/89/17662/>
7. Мунарова Раъно Усаровна, Камолова Ширин Усаровна, Шакарбоева Шахноза Абдулакимовна, Каршибоева Дилфуза Бурлиевна, & Алимкулов Сирожиддин Олимжон ўғли (2016). Великие мыслители Средней Азии о воспитании гармоничного и всесторонне развитого поколения. Проблемы педагогики, (2 (13)), 17-19.